

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРҒУНБОЕВ СИРОЖИДДИН ФАХРИДДИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИМКОНияТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРГА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР  
БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ МОСЛАШУВИ  
(ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАР МИСОЛИДА)**

**13.00.03 – Махсус педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PHD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the  
doctor of philosophy (PhD)**

**Турғунбоев Сирожиддин Фахриддинович**

Ўзбекистонда имконияти чекланган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар битирувчиларининг ижтимоий мослашуви  
(эшитишида нуқсонли бўлган ўқувчилар мисолида) . . . . . 5

**Турғунбоев Сирожиддин Фахриддинович**

Социальная адаптация выпускников школ-интернатов для детей с ограниченными возможностями в Узбекистане  
(на примере учащихся с нарушениями слуха) . . . . . 31

**Turgunboyev Sirojiddin Fakhriddinovich**

Social adaptation of graduates of boarding schools for children with disabilities in Uzbekistan (on the example of students with hearing impairments). . . . . 60

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works . . . . . 64

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРҒУНБОЕВ СИРОЖИДДИН ФАХРИДДИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРГА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР  
БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВИ  
(ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАР МИСОЛИДА)**

**13.00.03 – Махсус педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2018.1.PhD/Ped518. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Шоумаров Ғайрат Бахромович**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:** **Хакимова Мухаббат Файзиевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Акрамова Хафиза Самадовна**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» 11 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14-40 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «13» 11 куни тарқатилди.  
(2021 йил «13» 11 да 34 - рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**В.Г.Исянов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н.,  
доцент

**Л.Р.Муминова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қўшмадаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг етакчи таълим муассасаларида имкониятлари чекланган болалардаги нуқсонларни реабилитация қилиш, уларга таълим-тарбия бериш ва имкониятларига мос келадиган касбларга тайёрлашда ўқувчилар учун зарур бўлган назарий билимларни бевосита амалий эгаллаши таълим тизимида татбиқ этилган. АҚШда алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларнинг ижтимоий мослашувининг самарадорлиги таълимнинг америка модели билан тавсифланиб, бу соҳада кучли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, Германия ва Буюк Британияда бундай болаларга таълим бериш ва уларни иш билан таъминлаш бўйича “икки томонлама” деб номланувчи тизим жорий этилган.

Жаҳон таълим тизимида эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг эшитиш гидрокини ривожлантириш, компенсатор имкониятлардан фойдаланган ҳолда уларнинг нутқини шакллантириш, лабдан ўқишга ўргатиш методларининг самарали технологияларини ишлаб чиқиш, атроф олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришда предметли-амалий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, кар ва заиф эшитувчилар реабилитациясида кохлеар имплантли болалар ва катталар билан олиб бориладиган коррекцион ишлар бўйича ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. ИнЧеон декларациясида<sup>1</sup> ҳамма учун инклюзив таълим талабларининг хилма-хиллиги, алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болаларнинг таълимга эҳтиёжларини ҳисобга олиш ҳамда уларни камситишнинг турли хил шаклларига қарши курашиш, шунингдек, таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашув масалаларига ҳукумат даражасида эътибор қаратилиб, бу борада қонун ҳужжатларида<sup>2</sup> “... ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга”, “... ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир» деб кўрсатилган. Шунингдек, “... ногиронликни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни касбга ўқитиш ва ишга жойлаштириш соҳасидаги ишларни амалга ошириш”<sup>3</sup> зарурлигини кўрсатмоқда. Алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган инсонларнинг билим олиши, касб-ҳунарли бўлиши мазкур тоифа вакилларининг ижтимоий мослашувига хизмат қилади ҳамда болаларга

<sup>1</sup> Инчхонская декларация и ЦУР 4 – Образование-2030: Рамочная программа действий //, Всемирный форум по вопросам образования Инчхоне, Республика Корея, с 19 по 25 мая 2015 г. – 85 с.

<sup>2</sup> “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни., 2008 йил 7 январь, ЎРҚ-139-сон, 23 б. <https://lex.uz/docs/1297315>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5270-сонли Фармони., 23 б. <https://lex.uz/ru/search/nat?actnum=5270>

педагогик, юридик, ижтимоий соҳаларда шунингдек, диагностика, даволаш ва реабилитация ишлари кўламининг самарадорлигини янада оширади.

Диссертация, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сонли “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз миллий махсус педагогикасида инсонлар ижтимоий мослашувининг педагогик, психологик масалалари Л.Р.Мўминова, Ғ.Б.Шоумаровлар, эшитишида нуқсонли бўлган ўқувчилар нуқсонларини коррекциялаш жиҳатлари, эшитиш қобилиятини ривожлантиришнинг илмий-назарий, методик асослари Ф.Алимхўжаева, Н.Бекмуратов, Х.Гайнутдинов, Н.Дадахўжаева, З.Мамаражабова, Д.Назарова, Р.Рустамова, У.Файзиева, Ф.Қодирова, Д.Якубжановаларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

МДХ мамлакатларида эшитишида нуқсонли бўлган болалар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишларни ташкил этиш, уларнинг ижтимоий мослашув масалалари В.З.Базоев, Т.Г.Богданова, Н.И.Буқун, А.П.Гозова, Л.А.Головчиц, О.Г.Гонца, А.Г.Зикеев, С.А.Зыков, Л.С.Измайлова, И.В.Королева, Б.Д.Корсунская, В.С.Кукушин, О.И.Кукушкина, Э.В.Миронова, Н.Г.Морозова, Е.Г.Речицкая, О.М.Рожко, Б.С.Собкин, И.В.Цукерман, Н.О.Ярошевичлар тадқиқотларида ёритилган.

Жаҳонда эшитишида нуқсонли бўлган шахслар ижтимоий мослашувининг илмий-методологик жиҳатлари А.Abrams, E.Christian, T.Crowe, S.Henggeler, L.Hickson, R.Ivers, P.Luft, F.Martin, J.Pray, P.Stark, S.Watson, J.Whelanлар томонидан тадқиқ қилинган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида 2017-2019 йилларда бажарилган “ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда имконияти чекланган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар битирувчиларининг ижтимоий мослашувини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган инсонлар ижтимоий мослашувининг илмий назарий жиҳатларини таҳлил этиш;

эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларининг оилавий ҳаёти ва касбий фаолиятидаги муаммоларини аниқлаш;

эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий педагогик хусусиятларини аниқлаш;

эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларининг ижтимоий мослашувига доир педагогик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларининг ижтимоий мослашув жараёни бўлиб, педагогик тажриба-синовда Навоий вилоятдан 1 та, Жиззах вилоятдан 2 та ва Тошкент шаҳридан 2 та қар ва заиф эшитучи болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг 295 нафар битирувчилари иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларининг ижтимоий мослашув муаммоларининг шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (кузатиш, суҳбат, сўровнома), коррекцион-педагогик тажриба-синов, унинг натижаларини математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан (К.Пирсоннинг  $r$ -корреляция коэффиценти, Стъудентнинг  $t$ -мезонини ҳисоблаш) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг сурдотехник воситалардан фойдаланиш, “Технология” фанини ўқитишда таълим турлари ва босқичлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, маҳоратли касб эгаларини таълим жараёнига жалб этиш каби ижтимоий мослашув муаммоларини бартараф этиш йўллари ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятига мос касбларни саралаш асосида такомиллаштирилган;

эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни замонавий ҳамда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ва оилавий ҳаётга тайёрлаш механизмлари мактаб-интернат битирувчиларининг касб малакаси, уларнинг ишга жойлашиш ҳолати, оилавий ҳаёт ҳақидаги тасавурларнинг шаклланганлик даражаларини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларини оилавий ҳаётга мослаштириш мезонлари валеологик тамойиллар ва комплекс таъсир (психологик, тиббий,

социологик) ёндашувларининг меҳнат билан бандлигини аниқлаш даражаларини интеграцияси орқали мақсадли, мазмунли, фаолиятли ва баҳолаш-натижавий компонентлар асосида такомиллаштирилган;

эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг таълимий имкониятлари оналар билан ишлаш жараёнларини моделлаштириш, коррекцион-логопедик таъсирнинг натижадорлигини таъминлаш орқали болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчилари ижтимоий мослашувининг таркибий тузилмаси касбий фаолият ва оилавий ҳаёт талаблари ҳамда ҳаётий компетенцияларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жисмоний чекловлар кўплаб касб турларини эгаллашга ҳеч қандай тўсқинлик қила олмаслигини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларни қар ва заиф эшитувчи ўқувчилар эгаллаши мумкинлиги асосланиб, бу касбларни ўқитиш бўйича педагогик тавсиялар ишлаб чиқилган;

эшитишида нуқсони бўлган ёшлар ва оилаларнинг замонавий муаммоларини ва эҳтиёжларини қондиришда мазкур тоифадаги ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг уч йўналиши “одоб-ахлоқ”, “маданиятли истемолчи”, “тўғри ва рационал овқатланиш” самарали омиллар сифатида илмий асосланиб, педагогик тавсиялар ишлаб чиқилган;

эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни касбий фаолиятга ва оилавий ҳаётга тайёрлашда улар билан олиб бориладиган педагогик-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи ҳаётий компетенциялар махсус педагогиканинг ривожланиш, тизимлилик, комплекслилик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** унда қўлланган ёндашув, усуллар, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, хулоса ва таклифлар ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илмий асосланган маълумотлар, муаммони аниқлаш йўллари, аниқланган муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича ишлаб чиқилган педагогик тавсиялар илмий ходимлар томонидан қўлланмалар, методик тавсиялар тайёрлаш, олий таълим муассасаларида сурдопедагог мутахассисларни тайёрлашда ҳамда эшитишида нуқсони бўлган болалар таълим мазмунини назарий жиҳатдан бойитиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, унинг натижалари имконияти чекланган болаларга ихтисослаштирилган таълим муассасалари учун мослаштирилган Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув методик адабиётларни такомиллаштириш, эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини мазмунан бойитишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда имконияти чекланган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар битирувчиларининг ижтимоий мослашуви бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг сурдотехник воситалардан фойдаланиш, “Технология” фанини ўқитишда таълим турлари ва босқичлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, маҳоратли касб эгаларини таълим жараёнига жалб этиш каби ижтимоий мослашув муаммоларини бартараф этиш йўллари ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятига мос касбларни саралаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ИТД-1-62 рақамли “Ногирон болаларни тарбиялашда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 сентябрдаги 89-03-3344-сон маълумотномаси). Натижада имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларига замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш ҳамда уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларини самарадорлиги оширилган;

эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни замонавий ҳамда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ва оилавий ҳаётга тайёрлаш механизмлари мактаб-интернат битирувчиларининг касб малакаси, уларнинг ишга жойлашиш ҳолати, оилавий ҳаёт ҳақидаги тасавурларнинг шаклланганлик даражаларини аниқлаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ИТД-1-62 рақамли “Ногирон болаларни тарбиялашда оила, боғча, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини таъминлашнинг илмий-методик асосларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 сентябрдаги 89-03-3344-сон маълумотномаси). Натижада имконияти чекланган болалар психокоррекция ишларини амалга оширишга шароит яратилган;

эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларини оилавий ҳаётга мослаштириш мезонлари валеологик тамойиллар ва комплекс-таъсир (психологик, тиббий, социологик) ёндашувларининг меҳнат билан бандлигини аниқлаш даражаларини интеграцияси орқали мақсадли, мазмунли, фаолиятли ва баҳолаш-натижавий компонентлар асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ИТД-1-61- рақамли “Дефектология таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш жараёнига замонавий таълим моделлари таъсирини тадқиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 сентябрдаги 89-03-3344-сон маълумотномаси). Натижада имконияти чекланган болаларни ҳаётга ижтимоийлашув шароитлари ривожланган;

эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг таълимий имкониятлари ота-оналар билан ишлаш жараёнларини моделлаштириш, коррекцион-логопедик

таъсирнинг натижадорлигини таъминлаш орқали болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчилари ижтимоий мослашувининг таркибий тузилмаси касбий фаолият ва оилавий ҳаёт талаблари ҳамда ҳаётий компетенцияларга устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ИТД-1-61- рақамли “Дефектология таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш жараёнига замонавий таълим моделлари таъсирини тадқиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 сентябрдаги 89-03-3344-сон маълумотномаси). Натижада, болаларнинг ижтимоий мослашуви қамровини кенгайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг **апробацияси**. Тадқиқот натижалари 2 та республика ҳамда 2 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги**. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми**. Диссертация иши таркиби кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчилари ижтимоий мослашувининг илмий назарий асослари”** номли биринчи бобида эшитишида нуқсони бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашувига доир миллий ва хорижий илғор тенденциялар, эшитишида нуқсони бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашувини ўрганиш педагогик-психологик муаммо сифатида ёритилган.

Ижтимоий мослашув инсонга ўз мақсадлари, қизиқишлари, қадриятларини ижтимоий гуруҳнинг мақсадлари, қизиқишлари ва қадриятларига яқинлаштиришга ёрдам беради.

Ижтимоий мослашув муаммоси турли фан соҳаларида кенг ўрганилган бўлиб, бу тушунча фақат инсонга нисбатан қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Коррекцион педагогиканинг энг долзарб муаммоларидан бири – болаларда нуқсонни коррекциялашдан, уларнинг тиббий-психологик-

педагогик реабилитацияга ўтиш ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар ва ўсмирларни уларнинг руҳий ва жисмоний имкониятлари даражасини ҳисобга олиб, ижтимоий ҳаётга мослаштириш ҳисобланади.

Ижтимоий мослашув нуқтаи-назаридан энг муаммоли гуруҳлардан бири бу – имконияти чекланган болалар ҳисобланади. Уларнинг мослашиш имкониятлари руҳий ва жисмоний соғлиғидаги камчиликлар натижасида, ижтимоий тажрибанинг чекланганлиги, баъзида эса ёмон оилавий-иқтисодий вазият натижасида пасайган бўлади.

Ижтимоий мослашув жараёни барча тоифадаги имконияти чекланган шахслар учун характерли хусусиятга эга бўлиб, бу масалаларнинг моҳияти уларнинг ҳаётида янада теранлик касб этади.

Имконияти чекланган шахсларнинг саломатлиги билан боғлиқ муаммолар туфайли улар ҳаётининг сифат даражаси пасайишига олиб келади ва бунинг натижаси ўлароқ бошқалар билан тўла бирдамликда яшашдан маҳрум бўлади.

Бу инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати (оилавий муносабатлар, таълим, касб-хунар эгаллаш ва бошқалар) уларнинг ижтимоий мослашувида муҳим роль ўйнайди.

Имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий мослашувининг муҳим шартларидан бири – соғлом инсонларнинг ногиронларга имкониятлар яратиш муҳимлигини тушунишидадир.

Шунингдек, имконияти чекланган инсонларнинг жамият ҳаётига муваффақиятли жалб қилишнинг яна бир муҳим жиҳати – уларнинг соғлом инсонлар билан яқин алоқасида кўришимиз мумкин.

Ногирон кишиларнинг ижтимоий мослашуви жуда мураккаб амалий масаладир. Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган инсонларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларда уларнинг ижтимоий турларини, шунингдек, ижтимоий хулқ-атворининг хусусиятларини ва ҳаётий стратегияларини эътиборга олиши керак.

Шиддат билан ривожланиб бораётган жамият шароитида ижтимоий мослашув муаммоси имконияти чекланган инсонлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий, этник каби кўшимча тўсиқлар уларнинг ижтимоий мослашув муаммоларининг янада мураккаблашишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда қар ва заиф эшитувчиларнинг ижтимоий мослашув масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган, энг паст товушларни эшитишга имкон берувчи кохлеар имплантация операциялари Ўзбекистондаги тиббиёт муассасаларида амалга оширилмоқда, республикамиз олимлари томонидан бугунги кунгача эшитишида муаммоси бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масалаларига бағишланган қатор тадқиқотлар олиб борилган.


Республикамизда ва хориж мамлакатларида қар ва заиф эшитувчиларнинг ижтимоий мослашув масалаларини ўрганишга қаратилган илмий изланишларнинг деярли барчаси мактаб ва мактабгача таълим ёшидаги эшитишида нуқсони бўлган болаларга бағишланган.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларининг ижтимоий мослашув муаммоларини тадқиқ этиш кар ва заиф эшитувчи ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш ишларининг мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўрганилган илмий манбалардан олинган хулосалар бўйича, эшитишида нуқсони бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви қуйидаги таркибий тузулмадан иборат эканлигини асосладик:

касбий фаолиятга тайёр бўлиш. Ушбу мезонга мактаб таълими даврида қуйидаги омиллар орқали эришиш мумкинлигини аниқладик. Улар ўқув режа, “Технология” фани дастури, дарсликлар, мактаб ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик, моддий техник база;

оилавий ҳаёт ҳақида тасаввурга эга бўлиш. Ушбу мезонга мактаб таълими даврида қуйидаги омиллар орқали эришиш мумкин: ўқув режа, дастур, методик қўлланма, валеологик кўникмалар (саломатлигига эътиборли бўлиш, соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш), гендер тамойиллар.



**1-расм. Эшитишида нуқсони бўлган шахслар ижтимоий мослашувининг таркибий тузулмаси.**

Юқорида келтирилган икки муҳим омил ижтимоий мослашувга эришиш механизмларини белгилаб олиш имкониятини берди. Натижада биз эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат

битирувчилари ижтимоий мослашувнинг таркибий тузулмасини мактаб таълими ва мустақил ҳаёт жараёнларининг ўзаро моҳиятан боғлиқлигини илмий асослаган ҳолда тегишли блок-тузулмалар киритиш орқали шакллантирдик (1-расм).

Мазкур блок-тузулмалар ва унинг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда кейинги босқич тадқиқот ишларини олиб бордик. Мазкур ёндашув илмий тадқиқот ишимизнинг концепциясини прогностик тузган ҳолда режалаштириш имконини берди.

Диссертациянинг «**Эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларини оилага ва касбий фаолиятга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобда ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларини касбий фаолиятининг ташкилий-психологик муаммоларини ўрганиш мазмуни ва усуллари, ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларида касбий мотивацияни таркиб топтириш воситасида бандлик муаммоларини бартараф этишнинг самарали йўллари, ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларини оилавий ҳаётга мослаштиришнинг ўзига хос ижтимоий педагогик муаммолари ва самарали омиллари ёритилган.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларининг ижтимоий мослашув даражасига уларни замонавий ҳамда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга тайёрлаш каби кўрсаткичлар таъсир кўрсатади.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар битирувчиларининг касб-ҳунар фаолиятига доир муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш асосида алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар таълим сифатининг самарадорлигини ошириш тадқиқот доирасида амалга оширилган тажриба-синов ишларининг мақсадини ташкил этади.

Мазкур мақсадга эришиш учун синов ишларига жалб этилган эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни бир неча йиллар аввал тамомлаган ўғил ва қизларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ муаммоларини аниқлаш, уларнинг сабабларини ўрганиш ҳамда олинган натижаларни таҳлил қилиш вазифалари ижобий ҳал этилди.

Тадқиқотимизни Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги 106-сонли ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги 101-сонли, Навоий вилояти Кармана туманидаги 25-сонли, Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 1-сонли ва 2-сонли кар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларини 2011-2016 йилларда тамомлаган кар ва заиф эшитувчилар иштирокида олиб бордик (1-жадвалга қаранг).

Тажриба-синов ишида сўровнома методидан фойдаландик. Сўровномани Ўзбекистон карлар жамияти ва унинг ҳудудий филиалларининг кўмагида ўтказдик. Бундан ташқари биз “Технология” фан дастури, ўқув режаларига ҳамда битирувчиларнинг яшаш манзилининг ҳудудий хусусиятларига

(қишлоқ, шаҳар, ишлаб чиқариш корхоналарининг мавжудлиги) алоҳида эътибор қаратдик.

**1-жадвал.**

**Тажриба-синов ишида иштирок этган респондентлар сони**

№	Худуд номи	Умумий сони	Ўғил	Қиз
1	Тошкент шаҳри	74	51	23
2	Жиззах вилояти	52	36	16
3	Навоий вилояти	47	32	15
<b>Жами</b>		<b>173</b>	<b>119</b>	<b>54</b>

Мактаб-интернат ўқитувчи ва тарбиячилари билан олиб борилган суҳбатларда эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг касбий кизиқишлари, технология дарсларидаги лаёқатига доир бизни қизиқтирган масалалар аниқланди.

Мазкур сўровномада эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ўз битирувчиларини:

қанчалик даражада касбий фаолиятга тайёрлай олаётганлиги;

мактаб-интернатда ўргатилаётган касб-ҳунар турлари қай даражада ўзини оқламоқда;

касбий кўникмаларнинг шаклланганлиги,

ишга жойлашиш ҳолати аниқланди.

Мана шу жиҳатларга асосланган ҳолда эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларини касбий кўникмаларининг шаклланганлиги, ишга жойлашиш ҳолатини аниқлаш меъзонлари ишлаб чиқилиб, сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилинди (2-жадвалга қаранг).

Эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчилари юқоридаги саволларга ёзма жавоб қайтардилар. Тажриба-синов ишининг аввалида олинган натижалардан мазкур тоифадаги шахсларни ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда касбларга тайёрламаган. Шу сабабли ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа ташкилотлар уларни иш билан таъминлай олмайди.

Бутун дунёда имконияти чекланган инсонлар касб танлашда бир қатор муаммоларга дуч келиш тенденцияси мавжуд. Ваҳоланки, жисмоний чекловлар кўплаб касб турларини эгаллашга ҳеч қандай тўсқинлик қилмайди. Шу сабабли учрашув ва давра суҳбатларида эшитиш қобилияти муҳим роль ўйнамайдиган замонавий касб-ҳунар турлари (автомеханик, косметолог, гардероб хизматчиси, дизайнер, маркетинг, массажчи, сартарош, заргар, яшил майдонларга декоратив ишлов берувчи, сантехник, маляр, машина ювувчи ва б.) тўғрисида уларга маълумотлар бердик.

**Эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган  
мактаб-интернат битирувчиларининг меҳнат билан бандлигини  
аниқлаш даражалари**

<b>Даражалар</b>		
<b>3 балл</b>	<b>2 балл</b>	<b>1 балл</b>
Битирувчилар: - мактаб-интернатда ўрганган касби бўйича фаолият олиб боради; - ойлик маоши юқори; - малака талаб этувчи касбларда ишлайди; - доимий иш ўрнига эга; - эгаллаган касбига меҳнат бозорида эҳтиёж юқори.	Битирувчилар: - мактаб-интернатда ўрганган касби бўйича фаолият олиб бормайди; - ойлик маоши юқори; - малака талаб этувчи касбларда ишлаш имкониятига эга эмас; - доимий иш ўрнига эга.	Битирувчилар: - мактаб-интернатда ўрганган касби бўйича фаолият олиб бормайди; - ойлик маоши кам. - малака талаб этувчи касбларда ишлаш имкониятига эга эмас; - доимий иш ўрни йўқ. - касбий кўникмага эга эмас; - вақтинчалик ташкил этилган ишларда ишлайди.

Мазкур касблар рўйхати эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб интернат ўқитувчи ва тарбиячилари ҳамда Ўзбекистон қарлар жамияти ходимлари иштирокида ўтказилган анкета сўровлари асосида шакллантирилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида эшитишида нуқсони бўлган болалар учун махсус мактабларда таълимнинг янги шакллари жорий этилиши ўқувчиларда ишлаб чиқариш, техника ва технологиянинг асосларини билиши, меҳнат бозорида касбий мобиллик ва рақобатбардошликни ўрганиши, уларда меҳнат фаолиятига психологик тайёргарликни, ҳаёт йўлини танлашда мос бўлган мотивацияни шакллантиришни талаб этади.

Махсус мактабларда эшитишда нуқсони бўлган ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлаш юзасидан тўпланган тажрибаларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, бизга уларни касбга тайёрлаш ишларини амалга ошириш жараёнидаги бир қатор муаммоларни аниқлаш имконини берди.

Буларга қуйидагиларни киритамиз:

эшитишида нуқсони бўлган болалар психик-жисмоний ривожланишини ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улар эгаллаши мумкин бўлган касб турларининг чекланганлиги;

касбий таълим жараёнида фойдаланилаётган асбоб-ускуналар замон талабидан кескин орқада қолганлиги;

бугунги кунда “Технология” фани касб-хунарга йўналтирилмаганлиги;  
 эшитишида нуқсонлари бўлган ўқувчиларнинг мактабни тамомлаганидан сўнг махсус касб-хунар коллежида таълимни давом эттиришидаги муаммолар;

касбга йўналтирилган таълим мазмунини такомиллаштиришда Ўзбекистоннинг маҳаллий ва этнографик шароитлари, махсус мактабларда

эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг жисмоний ёки руҳий ривожланишидаги нуқсонлари ва уларнинг қизиқишлари ҳисобга олинмаганлиги;

махсус мактабларда касб-хунар таълими бўйича илмий-назарий ва методик қўлланмаларнинг етарли даражада эмаслиги.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар педагогик амалиётида касб-хунарга тайёрлашни такомиллаштиришда ўқитишни ташкил этишнинг ноанъанавий шакллари қўллаш ҳам тавсия этилади. Булар танланаётган меҳнат объектлари номенклатурасини кенгайтиришга имкон яратади, маҳсулотларнинг техник-технологик мураккабликларига, ўзига хослигига, рақобатбардошлилигига, рекламасига ва сотишга диққатни қаратади. Натижада ўқувчиларга касбларнинг турли кўринишларида ўз кучини синаб кўришга имкон яратиб берилади, бу эса уларнинг техник дунёқарашини кенгайтиради, муаммони аниқлашни, уни ечимини излашни, тадбиркорлик ташаббусини ва масъулиятликни шакллантиради.

Мактаблар ва корхоналар билан ишга доир ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда, касб-хунар турлари бўйича мактабнинг моддий-техник базасини такомиллаштиришда, эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни касбга тайёрлашнинг янги шакллари ташкил этишда “Технология” фани ўқитувчиси етакчи роль ўйнайди.

Юқори умумий ва касбий педагогик маданиятга эга бўлган ўқитувчигина ўқувчиларда тизимли, анланган, чуқур касбий билимларни шакллантира олади, ижодий қобилиятларини, уларнинг билиш ва касбий қизиқишларини ривожлантиради.

Ўқувчилар улғая борган сари уларни фақатгина жисмоний кучланишни талаб этиладиган касблар қониқтирмай қўяди. Аста-секин уларнинг касбий фаолиятига ақлий меҳнат элементларини сингдириш, маҳсулотларни тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш йўлларини излаб топиш бўйича ижодий ишларни киритиш лозим. Машғулотларнинг бу тарздаги мазмуни ўқувчиларнинг шахсини шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиради, меҳнат ва касбга бўлган мойилликларини ва қизиқишларини орттиради.

Бундан ташқари биз республикамизда эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни касб-хунарга тайёрлашдаги муаммоларни ҳал этишда қуйидагиларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлаймиз:

“Технология” фани дарслари самарадорлигини ошириш, мазмунини такомиллаштириш учун эшитишида нуқсони бўлган болалар мактаб-интернатлари юқори синфлари учун “Технология” фани бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш ва дарсликлар яратиш;

махсус мактаб-интернатларда “Технология” фани мазмунини бойитишга доир ўқув услубий қўлланмалар тайёрлаш ва уларни амалиётга жорий этиш;

юқори синфларда қиз болалар ва ўғил болаларни меҳнат турларига ўргатишда саралаш;

махсус мактаб-интернатлар учун ишлаб чиқилган ўқув режаларига худудий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда янги касб турларини киритиш;

“Технология” фани ўқув хоналарини керакли ускуна ва техник воситалар билан таъминлаш.

**3-жадвал.**

**Эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларининг оилавий ҳаётга мослашув муаммоларини аниқлаш даражалари**

<b>Даражалар</b>		
<b>3 балл</b>	<b>2 балл</b>	<b>1 балл</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>- эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатларини билади ва бунга амал қилади;</li> <li>- турмуш ўртоғининг ижтимоий келиб чиқиши оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатмайди;</li> <li>- фарзандининг ижтимоий келиб чиқиши уларни тарбиялашда қийинчилик туғдирмайди;</li> <li>- ажралишлар сони иштирокчиларнинг умумий 5% ини ташкил этади;</li> <li>- оиласини моддий томондан тўлиқ таъминлай олади;</li> <li>- оилада дунёга келадиган фарзандлар сонини мустақил режалаштира олади;</li> <li>- фарзанд тарбияси билан бевосита ўзи шуғулланади ва бу масалада билимга эга;</li> <li>- оиласида ўзаро муносабатлар тизими яхши ривожланган;</li> <li>- бўш вақтини оила даврасида ўтказди, оила даврасида ўзини тўлиқ бахтли ҳис этади;</li> <li>- оила аъзоларини назорат қилади, моддий ва маънавий таъминот ҳамда уларга нисбатан жавобгарлик маъсулиятини ҳис этиб, бунга амал қилади;</li> <li>- оиласининг меҳр муҳаббатини ҳис этади бундан руҳий мадад олишни билади.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатларини билади лекин амал қилмайди;</li> <li>- турмуш ўртоғининг ижтимоий келиб чиқиши, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади деб билади;</li> <li>- фарзандининг ижтимоий келиб чиқиши уларни тарбиялашда бироз қийинчилик туғдиради;</li> <li>- ажралишлар сони иштирокчиларнинг умумий 10% атрофида;</li> <li>- оиласини моддий томондан таъминлашда қийналади;</li> <li>- оилада дунёга келадиган фарзандлар сонини режалаштиришда ота-онасининг маслаҳатига кўра иш кўради;</li> <li>- фарзанд тарбияси билан ота-онаси шуғулланади;</li> <li>- оиласида ўзаро муносабатларда баъзида келишмовчиликлар юз беради;</li> <li>- имконияти чекланганлиги сабабли оила аъзоларининг моддий ва маънавий таъминотини таъминлай олмайди.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида билимга эга эмас;</li> <li>- оиладаги барча муаммоларни ногирон эканлигида деб билади;</li> <li>- имкониятлари чекланганлиги сабабли фарзандини тарбиялай олмайди;</li> <li>- ажралишлар сони иштирокчиларнинг умумий 20% дан юқори;</li> <li>- оиласини моддий томондан таъминлай олмайди;</li> <li>- оилада дунёга келадиган фарзандлар сонини режалаштириш нималигини билмайди;</li> <li>- фарзанд тарбияси учун вақт ажратиш зарур деб билмайди;</li> <li>- оила вакилларининг ўзаро муносабатлари яхши эмас;</li> <li>- оила даврасида камроқ бўлишни афзал кўради;</li> <li>- имконияти чекланганлиги сабабли оила аъзоларининг моддий ва маънавий таъминотини таъминлай олмайди, шу билан бирга уларга нисбатан жавобгарлик маъсулиятни ҳис этмайди;</li> <li>- оиласининг руҳий мададини деярли ҳис этмайди</li> </ul>

Шунингдек, жисмоний ногиронлик, эшитиш қобилиятининг чекланиши сифатли ўрта таълим олиш ва олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун зарур тайёргарликни таъминлаш мақсадида тўсиқ бўла олмаслигини инобатга олган ҳолда эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни олий таълимга тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларнинг амалга оширилиши – эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни касбга тайёрлаш мазмунини такомиллаштиради, самарадорлигини оширади, узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга имкон яратади ва энг муҳими, уларни ижтимоий ҳаётга ва касбий фаолиятга мослашувини таъминлайди.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар таълим олиш даврининг катта қисмини имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида ўтказиши бу эса уларнинг жамият ҳаётига ижтимоий мослашуви таълим муассасаси нормалари, қадриятлари ва талаблари таъсирида юз беради ва шу асосида дунёқараши шаклланади, шахс бўлиб етилади. Шунинг учун уларда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларни таълим жараёнида шакллантириб бориш зарур.

Тадқиқот мавзусига доир илмий адабиётлар юзасидан маълумотларни ўрганиш ва эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб интернат битирувчиларининг оилавий ҳаётидаги муаммолари экспериментал йўналишда тадқиқ этиш режалаштирилди. Тадқиқотимизда сўровнома методидан фойдаландик.

Мазкур сўровномада эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчилари оила функцияларини билиши ва уларга амал қилиши, шунингдек, мазкур тоифадаги шахслар мактаб таълими даврида уларнинг асосий вақти мактаб-интернатда ўтишини инобатга олган ҳолда уларда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланганлик ҳолати ўрганилди.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларининг оилавий ҳаётга мослашув муаммоларини аниқлаш даражалари ишлаб чиқилди, сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилинди ва умумлаштирилди (3-жадвалга қаранг).

Тажриба-синов ишида биз фойдаланган сўровнома саволларига эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни бир неча йиллар аввал (2011-2016 йилларда) тамомлаган 122 нафар қиз ва эркак битирувчи йигит ва қизлар ёзма жавоб берди (4-жадвалга қаранг).

Биз эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни тамомлаган қиз ва эркак битирувчиларнинг оилавий ҳаётидаги муаммолари тўғрисида етарли маълумотларни олиш ва бунинг асосида ушбу тоифадаги ўқувчиларни мактаб таълимида оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида улар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказдик.

Мазкур суҳбатлар мазмуни қуйидагилардан иборат:

соғлом ота-она, соғлом бола ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантириш;

оила ва унинг вазифалари ҳақида мақсадга мувофиқ тасаввурни таркиб топтириш;

намунали ота, намунали она, намунали эр ва хотин ҳақида тасаввурни шакллантириш;

эр ва хотин орасидаги мулоқот маданияти ҳақида тушунча бериш;

ота-она ва болалар орасидаги муносабатлар, болаларни тарбиялаш усуллари ҳақида тушунча бериш;

қайнона иккинчи она эканлиги ҳақида тасаввур шакллантириш;

оила мустаҳкамлигини таъминловчи омиллар ҳақида маълумот бериш;

соғлом болани дунёга келтириш шартлари ҳақида билимлар бериш;

оилани бошқариш, уни моддий таъминлаш каби масалалар шулар жумласидандир.

**4-жадвал.**

### **Тажриба-синов ишида иштирок этган респондентлар сони**

<b>№</b>	<b>Худуд номи</b>	<b>Умумий сони</b>	<b>Ўғил</b>	<b>Қиз</b>
<b>1</b>	Тошкент шаҳри	53	32	21
<b>2</b>	Жиззах вилояти	27	16	11
<b>3</b>	Навоий вилояти	42	28	14
<b>Жами</b>		<b>122</b>	<b>74</b>	<b>48</b>

Бундан ташқари биз эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни мактаб-интернат таълими жараёнида оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича сўнги йилларда амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиб чиқдик. Яъни, бугунги кунда республикамиздаги имконияти чекланган болаларга ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатларнинг 9-10 синф ўқувчилари учун «Оилавий ҳаётга тайёрлаш» номли ўқув дастури ҳамда методик қўлланмаси ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастур ва методик қўлланма ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернат ўқувчиларига мўлжалланган. Аммо эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ўқув режасига ушбу предмет фан сифатида киритилмаган.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича аниқланган муаммолар таҳлили уларни ечиш йўлларини аниқлаш имконини берди. Булар қуйидагилардан иборат:

эшитишида нуқсони бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида “Оилавий ҳаётга тайёрлаш” предмети фан сифатида ўқув режага киритиш;

сўнги йиллар тадқиқотлари натижалари, этнопсихологик материаллари, халқ анъана ва удумларининг илмий таҳлилини ҳамда, бугунги кун талабларини ҳисобга олиб, ўқув дастурлар ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқиш лозим;

Ўқувчиларда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда уларнинг нуқсон хусусиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий ахборот комуникацион технологиялардан (кинофильмлар, реклама роликлари) кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлаш сифати, кутилган натижанинг қўлга киритилиши бевосита унинг мазмуни билан боғлиқ.

XXI асрда яшаётган эшитишида нуқсони бўлган ёшлар ва оилаларнинг замонавий муаммоларини ечиш ва эҳтиёжларини қондиришда оилавий ҳаётга оид тушунча ва кўникмаларни “Оилавий ҳаётга тайёрлаш” фан дастури мазмунини оилавий ҳаётга боғлаган ҳолда шакллантиришни таклиф этамиз.

Бунинг учун оилавий ҳаётга тайёрлашнинг қуйидаги самарали омилларини ажратдик:

**биринчидан**, оилада шахслараро ижобий муносабатларни ривожлантириш, ижтимоий кўникмалар, шу жумладан, хулқ-атвор ва ахлоқ қоидалари, оила аъзолари билан мулоқот қилиш одоби, фарзанд тарбиялаш, ижтимоий онгни ривожлантиришга ёрдам берадиган фазилатлар, дўстлик муносабатларини ўрнатиш;

**иккинчидан**, истеъмолчи маданияти ва саводхонлиги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, оилани молиявий бошқариш, тежамкор истеъмолчи бўлиш, реклама таъсири ва истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор қаратилган молиявий саводхонлик;

**учинчидан**, тўғри ва рационал овқатланиш, озиқ-овқатлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш. Маҳсулотлар ўрамидаги ёрликларни ўқиш, ошхонада хавфсизлик ва санитария қоидаларига амал қилиш, тана вазнини бошқариш, зарарли одатлар ва унинг инсон саломатлигига салбий оқибатлари шулар жумласидандир. Шунингдек, кийим-кечак маҳсулотларини харид қилиш, унинг сифатини билиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш.

Хулоса қилиб айтганда, эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг аҳамияти шундаки, унинг таъсирида **биринчидан**, мустақил ҳаётга, жумладан, оилавий ҳаётга тайёрланади. **Иккинчидан**, уларни жамиятда яшашга, бошқалар билан мулоқот қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб-ҳунарли бўлиш, муомалада одоб-ахлоқ нормаларига бўйсунушга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди.

